



**PROSPECTS FOR ENSURING THE RIGHTS, FREEDOMS,
AND LEGAL INTERESTS OF THE SUSPECT AND THE
ACCUSED DURING PRE-TRIAL PROCEEDINGS**

Amanov Azamat Akmal ugli

Independent Researcher of Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816068>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

*Suspect, accused, defendant,
defendant, catch, detain, defense
lawyer, inquirer, investigator,
prosecutor.*

ABSTRACT

The article provides a comparative analysis of the rights guaranteed in the legislation of developed countries such as the USA, Japan, Finland, Georgia, and Austria, where, in accordance with the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan, guarantees aimed at ensuring the rights of suspects and accused persons in pre-trial proceedings have been developed, and proposals and recommendations for their implementation into national legislation have been put forward.

**ПЕРСПЕКТИВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ, СВОБОД И ЗАКОННЫХ
ИНТЕРЕСОВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО И ОБВИНЯЕМОГО ПРИ
ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ**

Аманов Азамат Акмал улги

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан

Независимый студент Академии

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816068>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

*Подозреваемый, обвиняемый,
подзащитный, подсудимый,
поймать, задержать,
адвокат защиты,
дознатель, следователь,
прокурор*

ABSTRACT

В статье проведен сравнительный анализ прав, гарантированных в законодательстве развитых стран, таких как США, Япония, Финляндия, Грузия, Австрия, где в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан развиты гарантии, направленные на обеспечение прав подозреваемого и обвиняемого в досудебном производстве, а также выдвинуты предложения и рекомендации по имплементации их положительных аспектов в национальное законодательство.

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА
АЙБЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Аманов Азамат Акмал ўғли



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816068>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Гумон қилинувчи, айбланувчи,
судланувчи, ушлаш, ушлаб
туриш, ҳимоячи,
суриштирувчи, терговчи,
прокурорю

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига биноан ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кафолатлар ривожланган хусусан АҚШ, Япония, Финландия, Грузия, Австрия каби ривожланган давлат қонунчилигида кафолатланган ҳуқуқлар қиёсий таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонун устувор бўлган давлатларда тергов органлари гумон қилинувчининг айбини исботлаш учун етарли далилларни тўплаши керак бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шахснинг айбдорлиги равшан бўлиши мумкин, лекин далилнинг юридик хусусияти ва унга қўйилган талаблар туфайли улар шахснинг айбини исботлай олишмаслиги ҳам мумкин. Зарур далилларни тўплаш учун тергов органлари ўз ваколатларидан фойдаланиб иш юритадилар. Агарда бу ваколат ва белгиланган тартиб нотўғри амалга ошириладиган бўлса, тергов органлари жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахснинг конституцион ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолияти қонунчилик томонидан қатъий назоратга олинган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ҳужжатлар: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Фундаментал эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси ва Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция каби ҳужжатларда шахснинг ажралмас ҳуқуқи деб тан олинувчи шахсий даҳлсизлик ва эркинлик каби жиноят процесси билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Мазкур ҳужжатлар шахсга нисбатан жинорий таъқибни, одил суловни амалга ошириш чегараларини белгилаб беради. Жиноят содир этган шахснинг одил судловга бўлган ҳуқуқи юқоридаги халқаро стандартларда тартибга солинган. Бунда одил судлов қоидалари нафақат суд босқичини, балки судга қадар босқични ҳам қамраб олади.

Юқорида номлари келтирилган ва бошқа фундаментал ҳуқуқлар жиноят ишини юритишнинг адолатли олиб борилишига таъсир ўтказиши мумкин. Айбсизлик презумпцияси, сукут сақлаш каби ҳуқуқлар тергов органи ходимлари томонидан асоссиз равишда бузилиши ёки шахсий ҳаёт даҳлсизлигини чекловчи



ва ноинсоний ва қадр қимматни таҳқирловчи муносабат турлари ҳам қўлланилиши мумкин. ОАВнинг суд жараёнида иштирок этишини тақиқлаш ҳам одил судловнинг сифатига таъсир кўрсатади.

Бундан кўринадики, одил судловнинг кафолатлари ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқ. Сукут сақлашга бўлган ҳуқуқ шахснинг ўзига қарши кўрсатув бериб қўймасликдан ҳимоя қилади, сўроқ пайтида ишонтиришнинг рухсат берилмаган усуллари қўллашнинг тақиқланиши нафақат инсонийликдан, балки куч ишлатиш йўли билан олинган далилларнинг ҳақиқий эмаслигидан келиб чиқади. К.Брантс фикрига кўра, жиноят содир этган шахснинг ишдаги далиллар ҳақида билиш ва улар бўйича тортишиш ҳуқуқини таъминламаслик, шахсни унинг ўзи билмаган далилларга асосан айблаш нотўғри[1]. А.Со ва А.Приватийлар ҳам айнан жиноят иши материалларига эга бўлишга бўлган ҳуқуқ жиноят процессида тарафларнинг тенглиги ва уни ишончли таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнашини билдириб ўтган.

П.Седелников процесс иштирокчиларининг иш материаллари билан танишишга бўлган ҳуқуқининг аҳамиятига тўхталган. Унга кўра, иш материалларидан нусха олиш уларнинг сохталаштирилиши ёки йўқ қилиб юборилишининг олдини олади[2]. Бизнингча, гумон қилинувчининг иш ҳолатларидан қанчалик эрта хабардор бўлиши, шунчалик ўзининг ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини тақдим этади. Шу боис ишнинг ҳар қандай босқичида гумон қилинувчи иш материалларидан хабардор бўлиши лозим.

Муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, гумон қилинувчи, айбланувчиларни иш материаллари билан таништириш масаласи Европа Иттифоқи директивасининг 7-моддасида ҳам тартибга солинган[3]. Мазкур ҳужжат жиноят содир этган шахснинг иш материалларидан хабардор бўлиш ҳуқуқини турларга ажратган: шахс ушланган вақтдаги ҳуқуқи, иш материалларидан воқиф бўлишга қаратилган умумий ҳуқуқ, шунингдек бу ҳужжатда шахснинг бу турдаги ҳуқуқлари чекланиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Шахс ушланган вақтдаги иш материалларидан хабардор бўлиш ҳуқуқи тўғрисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди тушунтириш берган. Унга кўра шахсга нисбатан унинг жиноят содир этгани тўғрисида асосли гумоннинг ўзи уни ушлаш учун зарур шарт ҳисобланади ва шунинг учун баъзи ҳолатларда махсус ҳужжатсиз ҳам мажбурлов чораси қўлланилади. Лекин маълум вақтдан кейин эса шахснинг озолдиги чекланганини оқлаш учун бошқа ишончли асослар қўлланилиши керак[4]. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ушланган шахсларга унга нисбатан қўйилаётган гумонлар юзасидан самарали тортишиш имконияти берилишини талаб қилади[5]. Бунда ушланган шахс масъуллардан гувоҳларни эшитишни, унга қарши айблов учун асос бўлувчи иш материалларидан хабардор бўлишни талаб қилишга ҳақли.

Гумон қилинувчининг жиноят содир этгани тўғрисида асосли гумон мавжудлигини тасдиқловчи далиллар юзасидан шахс тортишиб, зарурат бўлса ўзининг далилларини ҳам тақдим этишга ҳақли. Қайси далиллар гумон қилинувчига тақдим этилиши кераклиги масаласи турли давлатларда турлича ҳал этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарорига кўра шахс ушланганда



унинг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи жуда зарур ҳоллардагина чекланиши мумкин, масалан, бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш ёки жамият манфаатлари юзасидан. Умумий қоида бўйича, одатда жиноят содир этган шахс тергов ниҳоясига етгачгина иш материаллари билан тўлиқ танишиб чиқиш имкониятига эга бўлади.

Жиноят иши материаллари билан танишиш – жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур бўлган тергов ва суд ишларини юритиш материаллари, шунингдек ашёвий далилларни ўрганиш жараёнидир. Бу жараённинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатишимиз ҳам мумкин: жиноят иши материалларини тақдим этиш учун ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги; жиноят иши материалларини таништириш учун тайёрлаш; иш материаллари билан танишаётган процесс иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш; иш материаллари билан танишиш жараёнини ташкиллаштириш; иш материаллари билан танишиш жараёнини процессуал тартибда қайд этиш; берилган илтимосномаларни кўриб чиқиш.

Гумон қилинувчининг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилмаган. У фақат ўзи иштирок этган тергов ҳаракатлари баённомалари ёки қарорлари билан ўша вақтнинг ўзида танишиб чиқиш имкониятига эга. Лекин жиноят ишининг бошқа қисми ёки мавжуд жиноят иши материаллари қонуннинг юқоридаги моддасида акс этмаган. Ўз ҳимоячиси билан иштирок этаётган гумон қилинувчига қонунчилик бир мунча кенгроқ ҳуқуқларни тақдим этган, яъни ўз ҳуқуқини амалга ошириш орқали ҳимоячи гумон қилинувчи иштирокида ўтказиладиган тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатлар ҳужжатлари билан танишиб чиқиши мумкин. Аммо, жиноят иши билан тўлиқ танишиб чиқиш учун тергов якунланган бўлиши лозим ва бу вақтга келиб гумон қилинувчига айб эълон қилинган бўлади. Амалдаги тартиб тергов сирини таъминлаш нуқтайи назардан муҳим.

Судга қадар ишни юритишда қатнашувчи томонларнинг айнан иш материаллари билан танишиш ёки уларни таништириш билан боғлиқ манфаатларидаги устунлиги ҳалигача олимлар ўртасида баҳсли масала ҳисобланади. Н.В.Калмыкова жиноят процессига гумон қилинувчи кириб келиши билан унда тергов органларидан гумоннинг мазмунини ташкил этувчи ва унинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришга асос бўлган бир қатор процессуал ҳужжатлардан нусха олиш ҳуқуқи ҳам пайдо бўлишини таъкидлаган[6]. Унга кўра гумон қилинувчи жиноят ишини кўзғатиш, уни гумон қилинувчи деб топиш тўғрисидаги, ушлаб туриш тўғрисидаги қарор ёки баённома, эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарорлардан нусха олишга ҳақли. Шу билан бирга, тергов жараёнида иш гумон қилинувчининг иш материаллари билан танишишида чекловлар бўлиши тарафдори бўлган олимлар ҳам ўз хулосаларини асослашга ҳаракат қилишган.

Жумладан, процессуалист олим И.А.Насанова фикрига кўра, тергов жараёни тамомланишидан олдин иш материаллари билан таништиришда чекловлар бўлиши лозим бўлиб, бу чекловлар хавфсизлик чоралари қўлланилган гувоҳ ёки



жабрланувчиларнинг шахсига оид маълумотларни, шунингдек ашёвий далилларни ўз ичига олади[7]. Бунда олим процесс иштирокчиларининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр билдирган. А.Ю.Головин ва А.В.Матвеевлар тергов жараёнида ошкор қилиниши жиноят процесси принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган маълумотларни томонларга тақдим этмаслик кераклигини таъкидлашади[8].

Бироқ, бунда томонларнинг суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг мазкур хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи таъминланиши керак. Мазкур процессуалист олимлар фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, томонларнинг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқини таъминлашда тергов сири халақит беради. Тергов сирининг айнан нима эканлиги, ўз ичига нималарни қамраб олиши қонунчилигимизда аниқ тартибга солинмаган. А.В.Крылов айнан шу масалага тўхталиб, тергов сири тахминан қандай масалаларни ўз ичига олишини тушунтириб ўтган[9]: 1) тергов версияларини шакллантиришга оид маълумотлар; 2) гумон қилинувчи, айбланувчи иштирокисиз ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасида олинган далиллар; 3) процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш чоралари ҳақидаги маълумотлар; 4) тергов тактикаси тўғрисидаги маълумотлар; 5) терговни амалга оширувчи мансабдор шахслар шахси ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар; 6) алоҳида гувоҳ, жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар; 7) процесс иштирокчиларининг қариндошлари ва яқинлари тўғрисидаги маълумотлар. Л.Черепанова эса булардан ташқари хизмат сири, тижорат сирини ҳам ошкор этилиши мумкин бўлмаган маълумотларга киритган[10].

Мазкур олимлар фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, процесс иштирокчиларида иш материаллари билан танишиш ва улардан нусха олиш ҳуқуқи терговнинг барча босқичларида таъминланиши керак, лекин тергов сири билан боғлиқ масалалар истисно этилиши лозим. Умуман олганда жиноят ишини электронлаштириш нафақат ҳужжатлар айланишини қиқартириб, тергов органлари юкмасини камайтиради, ишнинг унинг сақланишини ҳам таъминлайди ва терговнинг шаффофлиги, тезкорлигини ҳам кафолатлайди. Электрон жиноят ишини юритишнинг яна бир муҳим жиҳати, у далилларнинг эҳтимолий сохталаштирилишининг ҳам олдини олади. Буларнинг барчаси процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли таъминланиши, одил судловнинг амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят иш материаллари билан танишиш институти жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида тергов сири билан қарама-қарши позицияда ривожланмоқда. Масалан, жиноят-процессуал нормалар жиноят ишини кўзғатиш босқичида томонларга терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқини бермайди ва ишни юритувчи мансабдор шахсга ҳам мажбурият юкламаган.

Бу борада олим П.В.Седельниковга кўра, шахснинг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи унинг процессуал ҳужжатлар кўчирма ёки техник воситалари ёрдамида нусха олиш ҳуқуқи билан узвий боғлиқ. Жиноят-процессуал қонун



томонларнинг иш материалларидан нусха олиш ҳуқуқини тергов якунида таъминлаши иштирокчиларнинг ҳуқуқларини тўлақонли амалга оширишига салбий таъсир кўрсатади. Процессуалист олим иштирокчиларнинг мазкур ҳуқуқи терговнинг барча босқичларида таъминланиши тарафдори. Бироқ, бунда тергов сири ҳисобга олиниши керак.

Худди шундай фикрни, А.П.Липинский ҳам билдириб ўтган[11]. Бизнингча, ҳатто терговга қадар текширув якуни бўйича жиноят ишини қўзғатиш рад этилган тақдирда ҳам иш бўйича тортишишдан манфаатдор бўлган томонда текширув материаллари билан танишиш учун терговга қадар текширувни амалга оширган мансабдор шахсга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланиши лозим. Бунда иш материаллари билан таништираётган мансабдор шахс мурожаат қилинувчини иш материалларидаги томонларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор қилмаслик ва бунинг учун жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида огоҳлантириш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчининг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи тўғрисида аниқ бир нормага кўзимиз тушмайди. Жумладан, ЖПКнинг 47-моддасидаги гумон қилинувчининг ҳуқуқлари орасида ҳам бу ҳақдаги норма мустаҳкамланмаган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 92-моддасида тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар (ЖПК 92-модда). Бундан келиб чиқадикки, гумон қилинувчида ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомалари билан танишиш имконияти қонунчиликда мустаҳкамланган бўлсада, ўзи иштирок этмаган бошқа тергов ҳаракатлари назарда тутилмаган.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳимоячининг гумон қилинувчи билан ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар тўғрисидаги ҳужжатлар билан, тергов якунлангач эса жиноят иши билан тўлиқ танишиш ҳамда улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш, шунингдек ҳужжатлардан ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш, агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш ҳуқуқи мавжуд (ЖПК 53-модда). Бунда гумон қилинувчидан кўра айнан ҳимоячида иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи нисбатан кўпроқ таъминланганлигини кўрсамиз. Шу процесс иштирокчиларининг иш жараёнидан хабардорлиги ҳимояланиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

А.Шарипованинг фикрига кўра, ҳимоянинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири – бу ҳимоячининг иш материалларидан



хабарсизлиги ва қабул қилинадиган қарорлар тўғрисида унинг огоҳлантирилмаслиги саналади[12]. Процессуалист олималар З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тулагановалар ҳам иш материаллари билан тергов якунланиши арафасида томонларнинг таништирилишига қўшилмай бу ҳуқуқ ҳимоячининг ишга кириб келиши вақтидан бошлаб рухсат берилиши кераклиги ҳақида муносабат билдиришган[13]. Д.Б.Базарова фикрига кўра гумон қилинувчи унга нисбатан жиноятга алоқадорликда гумон пайдо бўлган вақтдан бошлаб, иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи мавжуд бўлиши керак[14].

Бизнингча, гумон қилинувчининг иш материалларидан хабардор бўлиш ҳуқуқи қонунчилигимизда қатъий акс этиши лозим. Бироқ ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошираётган гумон қилинувчиларнинг жиноят ишини қўзғатиш, уни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш, ушлаб туриш қарори ва баённомаси, эҳтиёт чораларининг қўлланилганлиги тўғрисидаги қарорлардан, шунингдек унинг ўзи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлардан ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки бошқа шаклда қайд этиш каби ҳимоя учун зарур ҳуқуқлар қонунчилигимизда акс этмаган. Шу боис Жиноят-процессуал кодекснинг 48-моддасини айнан гумон қилинувчининг иш материаллари билан танишиш билан боғлиқ ҳуқуқлари билан тўлдириш зарурати мавжуд.

Томонларнинг иш материалларидан процесснинг эрта босқичларида хабардор бўлиши ҳимоянинг самарали ташкил этилишига таъсир этади. Шу билан бирга бу ҳолат тергов жараёнига хавфни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган ушлаб туришнинг барча материалларини ҳимоячига терговнинг бошланишида тақдим қилиниши хусусида баъзи фикрларни билдириш лозим. Б.А.Саломов фикрига кўра, аксарият ҳолларда иқтисодиёт соҳасидаги содир этиладиган жиноятлар туркуми билан боғлиқ бўлмаган айрим жиноятлар тезкор-қидирув ахборотлар ва махфий агентура фаолиятнинг маълумотлари орқали фош этилади ва шахсни ушлаб келтириш учун айнан мана шундай тезкор-қидирув материаллари кўпинча асос бўлади[15]. Мазкур маълумотлар махфийлиги сабабли кўрсатилмайди.

Шу сабабли муаллиф ҳимоячининг тергов материалларидаги мавжуд маълумот ва далиллар билан таништириш ҳақидаги талаблари зудлик билан қаноатлантирилиши кераклиги, акс ҳолда тергов органи мансабдор шахслари ҳатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш имконияти тақдим этилиши кераклигини билдириб ўтган. Бизнингча, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, шунингдек прокурорнинг қарорлари ёки процессуал ҳаракатлари устидан бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқи гумон қилинувчи ва айбланувчига тақдим этилиши керак.

Шунинг учун тергов органларига кенг ваколатлар берилган бўлиб, айнан қайси материалларни гумон қилинувчи ёки унинг адвокатига тақдим этишни уларнинг ўзларига юкланади. Гумон қилинувчи ёки айбланувчига уларнинг ҳимоясини ташкил этиши учун етарли вақт ва шарт-шароит таъминлаб берилиши керак. Бу шарт-шароит иш материалларидан хабардор бўлиш ва ҳимоя учун муҳим бўлган далиллардан шахслар ва улар адвокатларининг фойдалана олишлари



билан боғлиқ. Адвокатларнинг ҳам зарур вақтда иш материалларидан хабардор бўлмаслиги одил судловга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан бири саналади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, **Швецияда** терговга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолларда жиноят содир этган шахс ва унинг адвокати иш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга. Айнан шу сабаб билан шахс ўзининг бу ҳуқуқидан тергов жараёнида етарлича фойдалана олмаслиги ҳам мумкин[16]. Бу ҳуқуқ тергов якунидагина сўзсиз таъминланади. Умуман олганда тергов материалларига эга бўлиш мураккаб масала. “ОАВ эркинлиги тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг расмий ҳужжатларга эга бўлиш ҳуқуқи мутаҳкамланган ва тергов жараёнида расмийлаштириладиган аксарият ҳужжатлар ҳам расмий ҳужжат саналади.

Шу билан бирга, фуқароларнинг бундай ҳуқуқини чекловчи нормалар ҳам мавжуд: “Очиқлик ва давлат сирлари тўғрисида”ги ҳужжатда чекловчи ҳолатлар ҳам назарда тутилган бўлиб, бевосита жиноят ишини юритиш билан боғлиқ масалалар ҳам назарда тутилган. Мазкур ҳужжатга кўра гумон қилинувчи **фақат ўзи ҳақидаги, ўзига қўйилаётган айбловлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишиши мумкин**[17]. Қоидаларни мазмунан икки гуруҳга бўлиш мумкин: барчага (жумладан ОАВга) қўйиладиган чекловлар ва фақат жиноят процесси иштирокчиларига қўйиладиган чекловлар.

Жиноят процессуал кодекснинг 23-боби 18-моддасида гумон қилинувчи ва унинг ҳимоячиси тергов жараёнида тўпланаётган иш материаллари тўғрисида **доимий равишда хабардор бўлиб туриш ҳуқуқига эга**. Тергов органи бу ҳуқуқни тергов жараёнига зарар етказмаган ҳолда таъминлашлари керак. Тергов якунида ҳимоячи бутун иш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда айблов билан боғлиқ сир тутилаётган маълумотлар ҳам ҳимоячига тақдим этилиши шарт. Гумон қилинувчига прокурор томонидан айб эълон қилингандан сўнг ҳимоячининг имкониятлари янада кенгайди, энди у иш материалларидан нусха олишга ҳам ҳақли. Шу ўринда, гумон қилинувчига расман айблов эълон қилиш дастлабки тергов тамомланиш вақтида рўй беришини ҳам инобатга олишимиз керак.

Финляндия жиноят процессида гумон қилинувчи ва айбланувчи мақоми аниқ белгиланган ва унга кўра жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахс бутун тергов давомида гумон қилинувчи деб номланади. Дастлабки тергов якунида иш прокурорга юборилади ва айнан прокурор шахсининг айблилик масаласини ҳал қилади. Жиноят-процессуал кодекснинг 4-боб 15-моддаси томонларнинг тергов жараёни тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқини назарда тутган бўлиб, унга кўра жиноят иши қўзғатилгандан сўнг томонлар ўзлари иштирок этган ва гувоҳи бўлган ҳолатлар юзасидан маълумот олишга ва уларнинг ишига даҳлдор бўлган тергов ҳужжатларига эга бўлишга ҳақли. Мазкур ҳуқуқнинг тақдим этилиши агарда иш ҳолатларига аниқлик киритишга халақит берадиган бўлса ёки хавфсизлик учун ҳам чекланиши мумкин.

Австрия қонунчилиги бўйича жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсининг иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи мавжуд, бироқ мазкур



хужжатлар нусхалари бу фуқарога тақдим этилмайди. Агарда прокурор иш материалларининг барчасини тақдим этиш тергов жараёнига салбий таъсир кўрсатади, деган хулосага келса, унинг қайсидир қисмларини махфий деб топиши мумкин. **Эстония** жиноят-процессуал қонунчилигига кўра гумон қилинувчи процессуал ҳаракатлар баённомалари билан танишиш, унга нисбатан эълон қилинган гумоннинг моҳияти юзасидан муҳим аҳамиятга эга далиллар тўғрисида хабардор бўлишни сўраб илтимос қилиши мумкин. Бундан далиллар ҳақида маълумот бериш бўйича илтимосномаларни прокуратура кўриб чиқади. Агарда мазкур ҳуқуқнинг таъминланиши орқали бошқа шахслар манфаатига ёки жиноят ишини юритишга жиддий зарар етказиш эҳтимоли мавжуд бўлса, бундай иштимосномалар қаноатлантирилмайди. Рад этиш тўғрисидаги қарор устидан томонлар шикоят беришлари мумкин бўлади.

Белорусия қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, миллий қонунчилигимиз билан ўхшаш жиҳатларини кўрамиз. Гумон қилинувчи унга нисбатан айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарор рамиёлаштирилгунга қадар ўз мақомида қолади. Бу вақт давомида гумон қилинувчи жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарордан, гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарордан нусха олиш, ушлаб туриш баённомаси ва қарори, эҳтиёт чорасининг қўлланилганлиги тўғрисидаги қарорлардан ҳам нусха олиш ҳуқуқи кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги давлатлар қонунчилигини ўрганиш натижасида хулоса қилиш мумкинки, гумон қилинувчининг жиноят иши материаллари билан танишиш ҳуқуқи қатъий таъминланган ва бу ҳуқуқ кодексларда тарқоқ ҳолда эмас, айнан алоҳида моддада белгилаб қўйилган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг гумон қилинувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган моддасига унинг жиноят иши материаллари билан танишиш ва белгиланган тартибда улардан нусха ёки кўчирмалар олиш ҳуқуқини қатъий белгилаш зарур. Бу ўзгариш гумон қилинувчининг унга қўйилаётган айбловдан ҳимояланиш имконини беради ва гумон қилинувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципининг тўлақонли ишлашига замин яратади.

References:

1. Ch.Brants & S.Franken. The protection of fundamental human rights in criminal process.General report. p.9.<https://www.utrechtlawreview.org/articles/abstract/10.18352/ulr.102/>.
2. Седелников П.В. Доступ участников уголовного процесса к материалам досудебного производства. автореф. дис. канд. юрид. наук. Омск, 2006. - С.17. <https://www.dissercat.com/content/protsessualnoe-polozhenie-lits-v-otnoshenii-kotorykh-osushchestvlyayetsya-obvinitelnaya-deyat>
3. Anneli Soo, PhD and Anna Pivaty, PhD. Access to the Case Materials in Pre-Trial Stages Critical Questions of Article 7 of Directive 2012/13/EU on the Right to Information in Criminal Proceedings. https://eucrim.eu/media/issue/pdf/eucrim_issue_2019-01.pdf#page=60



4. ECtHR, 28 July 2005, *Czarnecki v. Poland*, Appl. no. 75112/01, para. 37
5. ECtHR, 19 February 2009, *A. and others v. the UK*, Appl. no. 3455/05, para. 204
6. Калмыкова Н. В., Климович Ю. С. К вопросу об обеспечении права подозреваемого, обвиняемого знать, в чем он подозревается или обвиняется в досудебном производстве. Труд профсоюзов общества. № 4(30), 2010. –С.51. <http://86.57.147.163/bitstream/edoc/2243/1/2010.-%E2%84%964.pdf#page=50>
7. Насанова И.А. Ознакомление с материалами уголовного дела как средство уголовно-процессуальной защиты. – С.140. <https://cyberleninka.ru/article/n/oznakomlenie-s-materialami-ugolovnogo-dela-kak-sredstvo-ugolovno-protsessualnoy-zaschity>
8. Головин А.Ю., Матвеев А.В. О некоторых вопросах тактики использования уголовно-процессуального закона при обеспечении тайны предварительного расследования в ходе ознакомления с материалами уголовного дела. –С.303. https://elibrary.ru/download/elibrary_23312200_89642312.pdf
9. Крылов А.В. К вопросу об определении тайны следствия / А.В. Крылов // Российский следователь, 2003, № 9. https://elibrary.ru/download/elibrary_23312200_89642312.pdf
10. Черепанова Л.В. Соразмерность ограничения права на ознакомление с материалами, полученными на первоначальной стадии уголовного процесса. – С.197. https://elibrary.ru/download/elibrary_21634693_90276772.pdf
11. Липинский А.П. Доступ участников уголовного судопроизводства к материалам уголовного дела в досудебном производстве в контексте обеспечения тайны частной жизни. –С.150. <https://cyberleninka.ru/article/n/dostup-uchastnikov-ugolovnogo-sudoproizvodstva-k-materialam-ugolovnogo-dela-v-dosudebnom-proizvodstve-v-kontekste-obespecheniya>
12. Шарипова А.Б. Особенности реализации функций обвинения и защиты в состязательном процессе. Материалы международной научно-практической конференции. – Алматы: Казак университети, 2010.-С. 184-185
13. Иноғомжонова З.Ф. ва Тулаганова Г.З. Жиноят-процесси иштирокчилари. Ўқув кўлланма.-Т: ТДЮИ, 2007. –Б.78.
14. Базарова Д.Б. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса. Дисс. кнн.юр.наук.-Т.: 2011. –С.68.
15. Саломов Б. А.Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолар). Юрид.фан.док.дисс.-Т.:2004.-Б.67.
16. <https://www.fairtrials.org/wp-content/uploads/Criminal-Proceedings-and-Defence-Rights-in-Sweden.pdf>
17. Wong Ch. Overview of Swedish Criminal Procedure. January 2012.-p.32. https://www.congreso.es/docu/docum/ddocum/dosieres/sleg/legislatura_10/spl_85/pdfs/24.pdf